Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


21 ЙИЛ ЧИҚИШИ. № 33 (5003). | 15 февраль, 1974 йил | ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОРЛАР ВАХТАДА

«Узавтотрест»нинг 8-тажриба ремонт-механика заводида беш йиллик меҳнат вахтасида туриб, вақтдан ўзиб ишлаётган илғорлар сафи кун сайин кўпайиб бормоқда. Ана шулардан бири коммунистик меҳнат зарбдори Эргаш Холқосимовдир. У беш йилликни муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган эди. Айни кунларда у ваъдасига вафо қилиб 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Э. Холқосимов жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб, ўзини кўрсатгани учун завод коллективи унга катта ишонч билдириб, Ленин район Советига депутат қилиб сайлаган. Илғор ишчи жамоат ишларидан ташқари вақт топиб, Тошкент автомобиль йўллари институти кечки бўлимининг IV курсида ўқимоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



МОҲИР ЧЎПОН РЕЖАСИ

Нуриддин Маҳмудов мана бир неча йилдирки, Бўстонлиқ районидаги Хўжакент совхозида чўпонлик қилиб, фидокорона меҳнати билан коллектив ҳурматини қозониб келмоқда. Моҳир чўпон ўз отаридаги жолларни қишловдан соғлом ва семиз олиб чиқмоқда. Ўтган йили у ҳар юз совлиқдан 126 тадан қўзи олган эди. Бу йил эл қатори Ўзбекистон Компартияси ва республикамизнинг шонли ярим асрлик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида зиммасига оширилган мажбурият олди.

— Отаримдаги қўйлар бири-кетини қўзилаяпти. Чорвадорлар учун энг муҳим давр саналган бу компанияни муваффақиятли бажариш ҳар бир чўпоннинг меҳнатсеварлиги, уддабуронлигига боғлиқ. Мен бу йил ҳар юз бош совлиқдан камида 130 тадан қўзи олишга аҳд қилганман дейди Н. Маҳмудов.

Н. БОЙМАТОВА.

КЎРКАМ БИНОЛАР

Тошкент шаҳрида янги ўқув йили бошлангунга қадар 9584 ўринли 7 та мактаб, 3080 ўринли 12 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилади. Булардан кўпчилиги янги массивларда қад кўтаряпти. Жумладан, Юнусобод массивида шу кунгача 3 та мактаб ишга тушган бўлса, куни-кеча 159, 4-қурилиш трестларининг бунёдкорлари учта болалар боғчаси, ярим-ларини қуриб битказдилар.

— Тошкент вакцина ва зардоб илмий-текшириш институти ҳам кенгаймоқда. Юбилей йилида институт бинокорлардан 5 та муҳташам бино қабул қилиб олади, — дейди институт директори профессор О. Обидов, — бу биноларни 6-трест бинокорлари қурмоқдалар.

В. И. Ленин проспекти ва Навоий кўчалари муюлишидаги тўрт қаватли маъмурий бино ҳам ҳадемай фойдаланишга топширилади. Ташқи томони мармардан ишланган бу иншоот шаҳримиздаги энг гўзал биноларидан бири бўлиб қолади. Ҳозир бу ерда пардоз ишлари олиб борилмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

ПАРТИЯ ЧАҚИРИҒИДАН РУҲЛАНИБ

Ҳал қилувчи йилда 2-«Пискент» совхози коллективи ҳам бирмунча ютуқларга эришди. Пахтачилик, чорвачилик маҳсулотлари планда белгиланганидан анча ошди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 2,32 центнер кўпайди. 2850 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Совхознинг Наливой Жўраев бошлиқ 5-бўлим, Ҳаким Бегматов бошлиқ 1-бўлим ишчилари ҳосилдорликни 31 центнерга етказдилар. Айрим бригадаларнинг иш натижалари совхозда ҳосилдорликни ошириш имкониятлари катта эканлигини кўрсатмоқда. Ўрин Кинахонов, Қўчқор Умаров, Гулали Мамедов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 33—34 центнердан ҳосил кўтарилди.

Совхозда чорва маҳсулотлари ҳам кўпайиб бораяпти. Совхоз чорвадорлари давлатга 565 тонна ўрнига 828 тонна сут, 66 тонна ўрнига 87 тонна гўшт, пландан ташқари 37 минг дона тухум, 3,6 тонна шилта сотдилар. Ҳар сигирдан соғиб олинган сут планда белгиланганидан 353 литр кўпайди. Шунинг учун ҳам хўжаликнинг бу тармоғи соф фойда келтирмоқда.

Совхозда даромад яхши бўлгани учун ишчиларга бериладиган қўшимча ҳақ ҳам ортмоқда. Совхоз ишчиларининг бултур ишлаб олган ҳақининг ҳар сўмига 47 тийиндан 68 тийингача қўшимча ҳақ тўланди.

Совхоз коллективи КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилиб, ишни шу асосда олиб бормоқда.

Бу тарихий ҳужжатлардан руҳланган совхоз коллективи мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, ўз зиммаларига янги оширилган мажбурият қабул қилди. Шу мажбуриятга кўра пахта ҳосилдорлиги совхозда 31 центнердан ошади, давлатга 9050 тонна пахта сотилади. Давлатга планда белгиланганидан 20 тонна гўшт, 240 тонна сут кўп етказиб берилади. Бошқа тармоқлар бўйича ҳам маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш кўпаяди.

Бу мажбуриятларни бажариш учун конкрет тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Чигит экиш схемалари белгилаб чиқилди. Ўтган йили 2850 гектар майдоннинг фақат 260 гектарига 90х20 схемасида кенг қаторлаб чигит экилган эди. Бу йил 820 гектар ерга кенг қаторлаб, шундан 300 гектар ерга қўшқаторлаб чигит экилади.

Кузги шудгордан олдин кам ҳосилли ерларга 3000 тонна гўнг ва минерал ўғит солинган. Совхоз бўлимларида бу йил тўла гектарлар ҳосил олиш, карта ораларидаги ўватлар, қийтиқ ҳайдалмай қолган ерлар, беҳуда ётган 10 гектар ер чигит экиладиган карталарга қўшилди. Бундай тадбирлар совхознинг 1, 3, 5 ва 4-бўлимларида яхши амалга оширилмоқда.

Совхоз коллективи партиямиз чақириқларига жавобан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«МАРС-4» ВА «МАРС-5» АВТОМАТ СТАНЦИЯЛАРИ МАРС ПЛАНЕТАСИНИНГ АТРОФЛАРИГА ЕТИБ БОРДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Марс—4» ва «Марс—5» планетараро автомат станциялари 460 миллион километр чамаси масофани ўтиб, 1974 йилнинг 10 ва 12 февралида Марс планетасининг атрофларига етди.

Станциялар бултур июлда Марс сари учиш траекториясига чиқарилган эди. Учиш трассасида станциялар билан мунтазам равишда радио алоқа сеанслари ўтказилиб турди, шу сеанслар чоғида ҳаракат параметрлари ўлчаб турилди, станция ичидаги системаларнинг аҳволи назорат этиб турилди ҳамда космик фазонинг характеристикалари тўғрисида илмий маълумотлар олиш кўзда тутилади.

12 февралда «Марс—5» автомат станцияси планета атрофларига етиб борди. Москва вақти билан соат 18 дан 45 минут ўтганида станцияни Марс йўлдоши орбитасига ўтказиш учун тормозловчи мотор установкаси ишга туширилди. Учишнинг охирги босқичида барча динамик операциялар станция ичидаги астронавтация системасининг ёрдами билан мустақил равишда бажарилди.

Системаларидан бирининг ишидан чиқиши натижасида тормозловчи мотор установка ишга тушмади ва станция планета юзидан 2200 километр чамаси наридан ўтиб кетди. Шунда фототелевизион қурилма ёрдами билан Марснинг фото суратлари олинди. Кейинчалик станция бортидан учиш трассаси бўйлаб космик фазонинг физик характеристикалари тўғрисида илмий маълумотлар олиш кўзда тутилади.

12 февралда «Марс—5» автомат станцияси планета атрофларига етиб борди. Москва вақти билан соат 18 дан 45 минут ўтганида станцияни Марс йўлдоши орбитасига ўтказиш учун тормозловчи мотор установкаси ишга туширилди. Учишнинг охирги босқичида барча динамик операциялар станция ичидаги астронавтация системасининг ёрдами билан мустақил равишда бажарилди.

Ўтказилган маневр натижасида «Марс—5» станцияси планетанинг сунъий йўлдоши орбитасига киқди.

Орбитанинг параметрлари ҳисоблаб қўйилганига яқин ва қуйидагича:

— планета юзидан максимал олислиги (апомарказда) — 32.500 километр;

— планета юзидан минимал олислиги (перимарказда) — 1.760 километр;

— орбитанинг Марс экватори текислигига оғиши — 35 градус;

— планета теварагидан айланиш даври — 25 соат.

«Марс—6» ва «Марс—7» автомат станциялари учишни давом эттирмоқда ва март ойининг биринчи ярмида Марс планетасининг атрофларига етиб боради.

Олис космик алоқа маркази ва координация—ҳисоблаш маркази станцияларнинг учишни кузатиб, олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

„МОСФИЛЬМ“ БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

«Мосфильм» студиясининг беш минг кишилик коллективи кўп миллатли кинематографиямиз ҳазинасига муносиб ҳисса қўшмоқда. «Мосфильм» ташкил этилган кунга 50 йил тўлди. Совет кино санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун студия СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг студияга йўллаган табрикномаси мосфильмчилар учун илҳомбахш ижодий стимул бўлиб қолди.

13 февралда Кремлдаги Съездлар саройида студиянинг 50 йиллигига бағишланган тантаналн мажлис бўлди. Мосфильмчилар билан биргаликда бу залга иттифоқдош республикалар экранларининг усталари, санъат ва маданият арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, жамоатчилик вакиллари тўпланишди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, СССР Министрлар Советининг кинематография Давлат комитети раиси Ф. Т. Ермаш, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, кино санъатининг таниқли арбоблари, социалистик мамлакатлар кинематографчиларини делегацияларининг раҳбарлари ўтиришибди.

Мажлисни студия партия комитетининг секретари **И. В. Дмитриев** очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Мажлис қатнашчилари самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. В. Подгорний** нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Совет кино санъатининг тўнғич макони «Мосфильм» студиясига шу тантанали вазиятда Октябрь революцияси орденини топшириш менга зўр мамнуният бахш этди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг табрикномасида, СССР Олий Совети Президиумининг фармонида «Мосфильм»нинг катта хизматлари, унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига қўшиб келаётган ҳиссаси муносиб равишда тақдирланган, студияда яратилган ва ватанимиз кинематографиясини, жаҳон прогрессив киносини ривожлантиришга чуқур таъсир кўрсатган асарлар юксак баҳоланган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан сизларни, мосфильмчи ўртоқларни—сценарийчилар ва актёрларни, режиссёрлар ва операторларни, рассомлар ва композиторларни, кино ишлаб чиқариш мутахассисларини ва цехларнинг ходимларини, — бутун кўп минг кишилик коллективни студиянинг юбилейи билан, Ватаннинг юксак мукофоти билан самимий табриклайман.

«Мосфильм» киностудияси ўзи ишлаб келаётган ярим аср мобайнида мингдан ортиқ бадиий фильмни экранларга чиқарди. Уларнинг энг яхшилари социалистик реализмнинг чинакам классик асарлари бўлиб қолди, мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. «Броненосец Потемкин», «Биз Кронштадтданмиз», «Ленин Октябрда», «Ленин 1918 йилда», «Солдат тўғрисида баллада», «Инсон тақдири», «Коммунист», «Раис», «Халоскорлик» сингари машҳур асарлар тематикаси, жанри ва ижодий услуби жиҳатидан ҳар хил бўлган бошқа кўпгина фильмлар совет халқи маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бу фильмлар янги инсонни тарбиялаб воягa етказишда, коммунистик жамият қурилишида партияга актив ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда.

Коллективингизнинг шонли ижодий анъаналари мосфильмчиларнинг илк авлоди студияга революциядан аввалги фирмалардан қолган ибтидоий ательелардаёқ картиналарни суратга ола бошлаган узоқ йилларда таркиб топа бошлаган эди. Сизлар партия билан халқнинг совет бадиий маданияти тўғрисидаги ғамхўрлиги туфайли барпо этилган ва жуда яхши жиҳозланган кино кошонасида ишлаб, ана шу анъаналарни давом эттирмоқдасизлар ва ривожлантирмоқдасизлар. Партиявий эътиқодлилик ва жўшқинлик, халқ ҳаёти билан чамбарчас алоқада бўлиш, юксак бадиий маҳорат айни шу хислатлар, айни шу анъаналар «Мосфильм»нинг энг яхши картиналарига хосдир. Бу энг яхши картиналар совет кинематографияси социалистик санъат тарихига олтин сатрлар бўлиб ёзилди. Ажойиб кино усталари экранда гавдалантирган қаҳрамонларни миллион-миллион кишилар севиб қолдилар. Сизларнинг студиянгиз ва мамлакатдаги бошқа киностудиялар яратган санъат обидалари одамларнинг онги ва қалбига зўр таъсир ўтказмоқда.

Владимир Ильич Ленин совет кинематографияси эндигина ривожланиб келаётган пайтда «барча санъатлар орасида биз учун энг муҳими кинодир» деган эди. Бу машҳур фикрни бизнинг экранимиз ўзининг бутун тарихи билан, ўзининг бутун бадиий тажрибаси билан исботлаб берди. Дарҳақиқат шундай. Кинонинг оммавийлиги, одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш кучи, ундаги эстетик воситаларнинг ранг-баранглиги ва тушунарлилиги туфайли кино санъати коммунистик дунёқарашни совет жамиятининг юксак ахлоқий принципларини шакллантиришда ҳақиқатан ҳам жуда катта имкониятларга эгадир.

Бизнинг воқелигимизни киносиз тасаввур қилиб бўладими? Ҳозир кино турмушнинг истисносиз барча соҳаларига кириб бормоқда. Энг яхши киноасарларининг қаҳрамонлари бамисоли экрандан ҳаётга аралашиб, замондошимиз ёнидаги воқеаларда қатнашаётгандек бўлмоқда, унинг дўсти ва маслаҳатгўйи бўлиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги замон кинематографияси миллион-миллион совет кишилари учун ўзига хос ҳаёт университетига айланиб қолди.

Кинематография қисқа вақт мобайнида катта йўлни босиб ўтди, унинг техникавий услублари ва бадиий ифода воситалари хазинаси беқиёс бойиди. «Буюк еттилик» овози кинога айланди, қоронғи лента ёнига рангли тасвир қўшилди, унинг ифода тили анча такомиллашди. Ҳозирги замон кино камераси коинотнинг бепоён бўшлиқларига ва микродунё сирларига назар ташлай олгани каби инсон қалбининг энг нозик торларига ҳам тегиб, дунёда содир бўлаётган энг мураккаб социал жараёнларни ҳам фаҳмлаш имконини бермоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси кинони партиямиз қўлидаги энг самарали ва нозик мафкуравий қуроллардан бирига айлантиради.

Кейинги йилларда кино билан бир қаторда телевидение кенг равишда ривож топди. Бир вақтлар телевидениени кинематографиянинг рақиби деган ва ҳатто у кинони бутунлай қисиб чиқариши мумкин деган фикрлар айтилган эди. Бироқ, бу хавфсирашлар асоссиз эканлигини турмуш кўрсатди. Телевидение кинонинг итифоқчиси ва сафдоши бўлиб қолди, маълум даражада кинонинг рақиби деса ҳам бўлади, аммо у кинематографиячиларга ўз маҳоратларини ўткирлаштиришга ёрдам берадиган рақобатчидир.

Бундай ижодий ҳамдўстлик телевизион репертуарнинг бадиий савиясини оширишга кўмаклашиши шубҳасиз. Шуни эслатиш кифоя қиладики, кўпгина совет киностудиялари, жумладан «Мосфильм» ҳам марказий телевиденинг буюртмаси билан картиналарни суратга олмоқда. Уларнинг баъзи бирлари жамоатчиликнинг зўр таҳсинига сазовор бўлишга ҳам улгурди. Бизнинг шароитимизда кино билан телевидение ижодий мусобақа йўлида бир-бирини тўлдириб ва бойитиб, ривожланмоқда ва такомиллашиб бормоқда. Телетомошабинлар ҳам кинотеатрларнинг томошабинлари ҳам доимо кўпайиб бораётганлиги бунинг энг яхши исботидир.

Ҳаммага бўлганидек, совет кинематографиясига ҳам ҳозирги замон ҳаётининг мураккаб ва зиддиятли жараёнларини ривожлантиришда, съезднинг социал программасини бажаришда катта муваффақиятларга эришилди.

Айни вақтда Пленум ҳали ҳал этилмаган вазифаларга асосий эътиборни жалб қилди, совет экономикасини ривожлантиришнинг янги марраларини белгилаб берди. Бунда гап аввало ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этиш, планлаштириш механизмини, мураккаб халқ хўжалик комплексини бошқаришнинг бутун ишини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида боратёпти. Беш йиллик тўртинчи йили планларини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган курашнинг ҳозирги босқичида ҳар бир меҳнатчининг ва ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг ижодий активлигини ошириш, социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мусобақадан кузатилган бош мақсад — меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда оммаларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришдир. КПСС Марказий Комитетининг партияга ва халққа Мурожаатида айни шу вазифа биринчи ўринга қўйилган. Совет кишилари, бу Мурожаатни тўла-тўкис маъқуллаб кутиб олдилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар фақат меҳнатгина барча муваффақиятларимизнинг туб негизи, мутлақо олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг манбаи эканлигини, совет давлатининг қудратини, жамият бойлигини кўпайтириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш суръатлари план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга боғлиқ эканлигини яхши тушунадилар.

Мамлакат олдида турган улуғвор вазифаларни бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш, КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига ижодий ишлар билан жавоб бериш — совет киноси усталарининг шон-шараф ишидир. Экран меҳнат аҳлларига ҳурмат туйғусини кучайтириши, илҳом билан ишлаб, ўзининг бутун ақл идроки ва қалбини ўз ишига бағишлай оладиган кишиларнинг обрўсини юксак даражада кўтариши лозим. Кинематограф совет кишиларининг меҳнатдаги ўз бурчларини бажариш йўлидаги, ишга ижодий учқун, маҳорат, ихтирочилик, ташаббускорлик жўшқинлигини киритиш йўлидаги интилишини қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши мумкин ва лозим. Кино ходимлари бу вазифани муваффақиятли равишда уддалашларига шак-шубҳа йўқ!

Маълумки кейинги йилларда Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг ташқи сиёсати катта муваффақиятларга эришди. Жаҳондаги вазият кескинликни юмшатиш, халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш, халқаро-ҳамкорликни кенгайтириш сари сезиларли равишда ўзгариб бормоқда. Социализм позициялари, миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг позициялари янада мустаҳкамроқ бўлиб қолмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг яқинда Кубага қилган визити бу йўлдаги янги катта қадам бўлди. Бу визитни бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллади ва у мамлакатимизда ҳамда чет элларда зўр ижтимоий таъсир ўтказди.

Халқаро майдонда содир бўлаётган қувончли ўзгаришлар, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари тобора кенг кўламда амалий равишда қўлланилаётганлиги — ғоят мураккаб ва зиддиятли жараён эканлиги равшан, албатта. Империалист доиралар, ҳамма тусдаги реакционерлар, маочилар дунёдаги ижобий ўзгаришларга халақит беришга, «совуқ уруш» вазиятини қайта тиклашга уринмоқдалар. Социализм билан капитализм ўртасидаги мафкуравий кураш тобора ўткирлашмоқда, хилма-хил тус олмоқда ва тобора кучайиб бормоқда. Ғоялар курашида совет кинематографияси бебаҳо роль ўйнайди. Кино ҳозирги дунёда жўшаётган мафкуравий жангнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Совет кинематографчилари ўзларининг революцион инсонпарварлик вазифаларини изчиллик билан адо этишлари, коммунистик ҳақиқатнинг ёркин, ифодали сўзини оммага етказишлари, империализмнинг ва унга малайлик қилаётганларнинг ҳақиқий башарасини фош қилиб ташлашда қўлланилаётганлиги — ғоят мураккаб ва зиддиятли жараён эканлиги равшан, албатта. Империалист доиралар, ҳамма тусдаги реакционерлар, маочилар дунёдаги ижобий ўзгаришларга халақит беришга, «совуқ уруш» вазиятини қайта тиклашга уринмоқдалар. Социализм билан капитализм ўртасидаги мафкуравий кураш тобора ўткирлашмоқда, хилма-хил тус олмоқда ва тобора кучайиб бормоқда. Ғоялар курашида совет кинематографияси бебаҳо роль ўйнайди. Кино ҳозирги дунёда жўшаётган мафкуравий жангнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Совет кинематографчилари ўзларининг революцион инсонпарварлик вазифаларини изчиллик билан адо этишлари, коммунистик ҳақиқатнинг ёркин, ифодали сўзини оммага етказишлари, империализмнинг ва унга малайлик қилаётганларнинг ҳақиқий башарасини фош қилиб ташлашда, мафкуравий курашнинг бутун фронти бўйлаб кенг кўламда ҳужумга ўтиш зарур. Биз шунга аминмизки, совет кинематографияси бундан буён ҳам ана шу юксак талаблар даражасида ишлай беради!

Биз — маданиятнинг ҳамма соҳаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз. Аммо чет эллардаги айрим кимсалар ривожланиб бораётган ҳамкорликдан социалистик тузумга, совет турмуш тарзига ҳужумни кучайтириш учун фойдаланиб қолмоқчи эканликларини равшан англаб турибмиз. Шу сабабли юксак даражада ҳушёрликни қўлдан бермаслик, ҳозирги замон антикоммунизмининг бўҳтони ва риёкорлигини, буржуазия дунёсининг разил ахлоқини кескин фош қилиб ташлаш, мафкуравий курашнинг бутун фронти бўйлаб кенг кўламда ҳужумга ўтиш зарур. Биз шунга аминмизки, совет кинематографияси бундан буён ҳам ана шу юксак талаблар даражасида ишлай беради!

(Давоми 2-бетда)



ТОШКЕНТ механика тажриба-эксперименталь заводи коллективи яқинда 10 тонна юк кўтарадиган, МАЗ-500 машинаси шассесига ўрнатиладиган кранлар ишлаб чиқара бошлади. Суратда: автокран цехининг илғор йиғувчи слесарларидан Т. Тўраboев ва ёш слесарь В. Назаров иш устида.

В. Салов фотоси.

«МОСФИЛЬМ» БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

(Боши 1-бетда).

Азиз ўртоқлар!

Маданият усталарининг ижодий иши партия билан совет давлатининг ҳамиша диққат марказида бўлиб келган ва ҳозир ҳам диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кинонинг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари атрофлича таҳлил этилган, мавжуд камчиликлар очиб ташланган, келгусида кино санъатини ривожлантиришнинг аниқ программаси таърифлаб берилди.

Совет кинематографиячилари социалистик реализм принципларига амал қилиб, ҳаётимизнинг бутун ранг-баранглигини, унинг жамики мураккабликларини ҳаққоний, чуқур ва жозибадор тарзда акс эттиришлари, ҳаётдаги коммунистик келажак куртакларини санъаткорнинг ўткир кўзи билан кўра билишлари ва шу куртакларни санъатнинг қудратли кучи билан жўшқин равишда қарор топтиришлари керак.

Бунинг маъносини, агар бош вазифа тўғрисида гапирадиган бўлсак, конкрет равишда қандай тушунмоқ керак?

Бунинг маъноси —замонамизнинг улуғворлиги ва қаҳрамонлигини тараннум этишдан, жамиятимизнинг ғоявий ва ахлоқий фазилатларини, совет турмуш тарзини қарор топтиришдан, коммунистик дунё бинокори бўлган совет кишисининг ахлоқий гўзаллиги ва олийҳимматлигини ҳаққоний тасвирлаб беришдан иборат.

Бунинг маъноси — совет кишиларини жамият олдида юксак масъулият, коллективизм, уюшқоқлик ва интизомлилик руҳида, революцион анъаналарга, марксизм-ленинизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Бунинг маъноси — экранда халқлар дўстлиги, ватанпарварлик ва интернационализм ғояларини ифодалаб беришдан, совет кишиларини, айниқса ёшларни ўтмишдаги ва ҳозирги жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништиришдан, унинг инсонпарвар, илғор нигизларини очиб беришдан иборат.

Бунинг маъноси — ҳаётимиздаги камчиликларни ва салбий ҳолатларни дадил очиб ташлашдан, совет жамиятининг олға томон қилаётган ҳаракатига халақит бераётган, коммунизм қурилишининг туб вазифаларидан чалғитаётган ҳамма иллатларга қарши кескин кураш олиб боришдан иборат.

Бизнинг давримиз санъаткор учун бениҳоя мароқлидир. Даврмиз коммунистик тарзда фикрлайдиган ва ишлайдиган, юксак ахлоқий гўзаллик ва олижаноблик сифати бўлган, ўзини ўз мамлакатининг, унинг ҳозири ва келажагининг эгаси деб ҳис қилувчи интернационалист бўлган инсонни камолатга етказишда партия билан жамиятга ёрдам беришга асдойдил интилувчи ёзувчи, режиссёр, актёрга, ҳар бир ижодий ходимга ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас имкониятларни очиб беради.

Социалистик реализм методи ижодий новаторлик учун, ўзига хос қобилиятлар ва талантларни рўёбга чиқариш учун жуда кенг имконият беради. Бу метод замон руҳига, революцион даврмиз руҳига мос келадиган янги ифода воситаларини доимий равишда қидиришни албатта назарда тутади. Кино санъатининг, шу жумладан, сизларнинг студиянгизда ҳам яратилган энг салмоқли асарлар бу гапнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Бироқ, янги ифода воситаларини қидириш шунчаки бир мақсадга, санъатнинг чексиз уммонида «рулсиз ва елкансиз» сўзиш-дек қандайдир бир нарсага асло айлантириб юборилмаслиги керак. Социалистик реализм санъатининг ўз қирғоқлари — унинг юксак вазифаси билан белгиланадиган аниқ синфий принциплари бор: санъат партиянинг дунёни коммунистик тарзда ўзгартириш йўлидаги улуғ курашига ёрдам бериши лозим.

Биз меҳнат аҳлига зарар келтирадиган иллатларга, шахсни камситишга, разолат ва қабоҳатни ҳаспўшлашга, ҳаёт ва тарих ҳақиқатини соҳталаштиришга мутлақо қарши чиқамиз. Биз сиёсатга бефарқ қарашга, бизга ёт кайфиятлар, дидларга ҳам худди шундай кескин қарши чиқамиз. Биз бахтга қарши экранимизда ҳамон учраб турган косибчилик, қалбакичилик андозаси билан бичилган фильмларни ошкора танқид қилиб келдик ва танқид қилаверамиз. Чамаси кино ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига юксак даражада талабчанлик мезони билан қараш, унинг ҳамма студияларини назорат қилиб туриш, янги фильмларга ҳаёт йўлланмасини берувчиларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Партия санъат асарига, шу жумладан бирон-бир фильмга баҳо беришда амал қиладиган олий мезон — коммунистик жамият, марксизм-ленинизм идеалларидир, совет кишиларининг ва бутун меҳнаткаш инсониятнинг бахт-саодатидир. Биз совет санъаткорларига шу принциплар позициясида туриб айтамизки, халқ бахт-саодати учун сабот билан ишланглар, ижод қилинглар! Санъаткор бизнинг шонли тарихимизни, жўшқин ва гўзал замонамизни ҳаққоний тасвирлайдиган ҳар бир санъат асарини қувонч билан кутиб оламиз.

«Миллион-миллион томошабинлар, — деб таъкидлади Л. И. Брежнев, — Сизлардан барча жанрлар ва турларга мансуб янги кино асарларини, мазмун жиҳатидан салмоқли ва бадиий ифода жиҳатидан мароқли асарларни, янги фикр уйғотувчи, биз яшаб турган замоннинг моҳиятини чуқурроқ тушунишга ёрдам берувчи, замондошларимизнинг жонли образларини ҳаққоний кўрсатувчи, инсонда коммунизм бинокорларига хос бўлган олижаноб ахлоқий фазилатларни мустаҳкамловчи асарларни кутмоқдалар».

Азиз ўртоқлар!

Айрим кишининг ҳам, бутун бир коллективнинг ҳам ҳаётида ўзига давлатнинг юксак мукофоти топширилган кун ёрқин тантанали воқеа сифатида эсланиб қолади. «Мосфильм» студиясининг мукофотланиши шонли коллективнинг, бутун совет кинематографиясининг ижодий йўлидаги янги ажойиб босқич бўлиб қолади, деб ишонч билдирмоқчиман!

Совет давлатининг иккита энг юксак мукофоти — Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени — «Мосфильм»нинг совет маданияти олдидаги катта хизматларига берилган баҳонинг бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ижод соҳасида янги куч-ғайратлар кўрсатишга, янада юксак марраларга эришишга, бутун халқнинг таҳсинига муносиб, фильмлар яратишга қилинган даъват ҳамдир. Азиз мосфильмчи ўртоқлар, сизларга партиямиз билан халқимизга жуда зарур бўлган ишингизда янги катта муваффақиятлар тилашга ижозат берғайсизлар.

Н. В. Подгорний нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Октябрь революцияси орденини «Мосфильм» киностудияси байроғига тақиб қўйди.

* * *

Студиянинг Бош директори **Н. Т. Сизов** коллективнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун «Мосфильм» ходимлари номидан Коммунистик партия Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси, СССР Олий Советн Президиумининг «Мосфильм» студиясини мукофотлаш тўғрисидаги фармони «Мосфильм» коллективининг янги ижодий изланишларга, совет кино санъати олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун янада зўр ғайратшижоат билан кураш олиб боришга илҳомлантиради. Студия коллективи бу вазифаларни амалга оширишда масъулиятли борлигини яхши билади.

Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, кинорежиссёр **С. Ф. Бондарчук** айтдики, партия ва халқ бизнинг меҳнатимизга — кинематографчилар катта отрядининг меҳнатига бу қадар юксак баҳо берганлиги чексиз қувонтиради. Бундай баҳо ва бундай зўр эътибор бизни бадиий ҳамда ғоявий жиҳатдан юксак экран асарларини яратишга илҳомлантиради.

РСФСР халқ артисти, кино артист **Н. В. Мордюкова** «Мосфильм» коллективи юксак мукофотни зўр иштиёқ ва шоду-хурамлик билан қабул қилганлиги ҳақида гапирди. У студия коллективининг ижодий меҳнатига берилган бундай юксак баҳо янги зафарларга, замондошимиз чинакам чуқур ва завқли қилиб тасвирланадиган фильмларни яратишга руҳлантиради, деб таъкидлади.

Мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

Шундан кейин байрамга бағишланган катта концерт қўйиб берилди. «Мосфильм»нинг энг яхши картиналаридан айрим парчалар кўрсатилди, совет кино санъатининг машҳур усталари томошабинлар ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

И. ВЕКСЛЕР,
В. КУЛИКОВ,
(ТАСС мухбирлари).



Лекторлар куни қатнашчилари Ангренда. Минбарда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. ҒУЛОМОВ. А. Мальцев фотоси.

ФОЙДАЛИ СУҲБАТ

Ангренликлар Лекторлар куни қатнашган тошкентлик олимларни қадрли меҳмонлардек кутиб олдилар.

Олимлар икки группага бўлинишди. Бир группа лекторлар шаҳар корхоналари ва ташкилотларида бўлдилар, пойтахтдаги йирик олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидан иборат иккинчи группа лекторлар думалоқ стол атрофида суҳбат ўтказишди.

Шаҳар ижроия комитетининг мажлислар залида пропагандистлар, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, шаҳардаги йирик корхоналар вакилларидан иборат 300 дан ортиқ киши тўпланди.

Йиғилишни Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ғуломов очиб, шаҳар меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида сезиларли муваффақиятларга эришганликларини таъкидлаб ўтди. Саноат маҳсулоти реализация қилиш планн муддатидан илгари бажарилди. Пландан ташқари 3 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Ўтган йили эришган муваффақиятлари учун Ангрен шаҳри республикада социалистик мусобақанинг ғолиби бўлди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан тақдирланди. Ҳозир шаҳар корхоналарида беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа янада авж олди. Бу мусобақа «Кам чиқим билан кўпроқ, сифатли маҳсулот етиштириш» шнори остида ўтмоқда.

Сўнгра тошкентлик олимлар сўзга чиқдилар. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ҳақида тарих фанлари доктори, профессор А. Абдунабиев қисқача гапириб берди. Доцент В. Яковлев, иқтисод фанлари кандидатлари М. Тошматов, Т. Богданов ўртоқлар ҳам сўзладилар. Шунингдек, КПССнинг ташқи сиёсий фаолиятн ҳақида лекция бўлди. Йиғилганлар номидан кўмир разрези инженери В. Шумягин, керамика комбинатининг пропагандисти Р. Ястребчикова сўзладилар. Улар меҳмонларга қизиқарли, мазмунли докладлари учун миннатдорчилик билдирдилар, ўз коллективларида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материаллари қандай ўрганилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар.

А. ТЕПЛЯКОВ.

ОЛҒА ЧОРЛОВЧИ КУЧ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ҳўжалик эришаётган ҳар бир ютуқда партия ташкилотининг роли ортиб бормоқда. Коммунистларнинг активлигини таъмин этиш ютуқлар гарови бўлмоқда.

— Ана шунинг учун ҳам,— дейди колхоз партия комитетининг секретари М. Содиқов,—ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига коммунистлар сафини ўстиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Агар 1967 йилда колхоз партия ташкилоти ҳисобида 80 га яқин коммунист бор бўлса, ҳозир 126 кишига етди. Коммунистларнинг аксарияти ҳал қилувчи участкаларда меҳнат қилмоқдалар. Колхоздаги 12 бригададан 9 тасига коммунистлар етакчи. Боқи Фозилов, Ҳамидулла Каримов, Фатхулла Абдуллаев, Турғун Ҳикматов, Шавкат Алиев, Шокир Тўраев, Салим Султонов, ўртоқлар шулар жумласидандир.

Партия комитетининг тўққиз кишидан иборат бюроси бор. Ҳар бир масала бюро аъзолари иштирокида, уларнинг маслаҳатлари асосида ҳал этилади. Бюро аъзолари орасида раҳбар кадрлар билан бирга Шакар Пиримова ва Илёс Тўлаганов сингари сут соғувчи, тракторчилар бор. Уларнинг зиммасига конкрет топшириқлар юклатилган.

Масалан, илғор бригада бошлиғи коммунист Солиҳ Каримов агротехника Советининг фаолияти билан шуғулланади. Боқи Фозилов эса ёш коммунистлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши учун масъулдир. Шакар опани сут соғувчилар «бизнинг агитаторимиз» деб таърифлашади. Бу аёл чиндан ҳам хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни жонлантириш, янгиликларни тарғиб қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштиришда ташаббус кўрсатиб келмоқда... Ҳар бир бюро аъзоси ўз иши ҳақида, партия комитети ва правление олдида ҳисоб бериб туради.

Колхоз партия комитети КПСС XXIV съезди қарорлари асосида цех партия ташкилотларига раҳбарликни тобора такомиллаштириб улар эътиборини резерв ва имкониятларни қидириб топишга сафарбар этаётир. Аввало, цех партия ташкилоти секретарлигига партиявий ишда озми-кўпми кўникма ҳосил қилган, кўпчилик билан ишлай оладиган обрў-эътиборли, маданиятли, малакали кишилар сайланмоқда.

Ҳозирги кунда бригадаларда, идора аппаратида, фермада, гаражда, қишлоқ Совети ҳузурида 12 цех партия ташкилоти ташкил этилган бўлиб, уларга И. Оқмирзаев, К. Тошев, Ж. Исматов, Ж. Ваҳобов, Ғ. Зокиров, Н. Қаюмов, Қ. Иноғомов сингари коммунистлар етакчилик қилмоқда. Ҳар ойда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳисоботи эшитилади.

Ана шундай йиғилишлардан бирида ферма цех партия ташкилотининг секретари И. Оқмирзаевнинг ҳисоботи эшитилди. Ўтган йил колхоз бўйича ҳар бош соғин сигирдан 3500 литрга етказиб сут соғиб олинди. Гўшт, сут планлари ошириб бажарилди. Йиғилишда бу ютуқларнинг қўлга киритилишида ферма коммунистларининг роли катта эканлиги, чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий-ташкилий ишлар бирмунча жонлантирилганлиги, илғорлар сафи ортиб борайётганлиги кўрсатиб ўтилди. Коммунистлар чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ташаббус кўрсатиб ишлаётганликлари қайд қилинди.

Ҳар бир цех партия ташкилоти ўз ишини олдиндан пухта тузилган план асосида олиб бормоқда. Бу планлар колхознинг ишлаб чиқариш планларидан келиб чиқиб тузилади. Сўнг партия комитетининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Партия комитети, бюро аъзолари бу планларнинг бажарилишини назорат қилиб борадилар. Ҳар ойда ўтказиладиган семинар машғулотларида илғор цех партия ташкилотлари тажрибаси ўрганилади.

Партия ҳужжатларини ўлмаштириш коммунистларнинг жанговар кучига кўрик бўлди. Колхоз даги деярлик ҳар бир коммунист билан суҳбат ўтказилди. Суҳбатда коммунистнинг мулоҳазалари, иш малакалари ўрганилди. Бу тадбир ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштиришга ёрдам бермоқда. Коммунистлар билан суҳбат ўтказиш ишига кекса коммунистлардан Солиҳ Каримов, Анвар Айдаров, Қодир Усмоновлар ёрдам бердилар.

Агитация, пропаганда ишларини жонлантириш, бу соҳанинг самарадорлигини оширишда сиёсий ташкилотчилар, сиёсий ахборотчилар, агитаторларнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозир колхозда 59 сиёсий ташкилотчи бор. Ҳар бир сиёсий ташкилотчига 10—12 тадан хонадон биркитилган. Фозила Ҳасанов, Рихси Усмонов, Умри Аҳмедова, Эргаш Исаев, Тожи Исаев, Абдусаттор Акбаров ўзларига биркитилган хонадонларда тез-тез бўлиб, турадилар.

Агитаторлар ўз суҳбатларида илғорлар тажрибаларини оммалаштириб, социалистик мусобақани авж олдириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

— Бир вақтлари мусобақани ташкил этишда расмиятчилик кўп бўларди,— дейди Содиқов.— Колхозлараро, бригадалараро мусобақа шартномалари тузиларди-ю, қоғозда қолиб кетаверарди. Кимлар олдинда, кимлар орқада, илгорлар аниқлашда кўпроқ ишнинг сифатига, ажратилган маблағлардан, техника ресурсларидан қандай фойдаланаётганлигига эътибор берилади. Совет аъзоларининг қарори асосида колхоз правлениеси ва партия ташкилоти илғорларни рағбатлантириш тадбирларини кўради.

Колхоз партия ташкилоти жамоат ташкилотларига раҳбарликни йил сайин яхшиламоқда. Халқ контроли группасининг учта секцияси бор. Ердан фойдаланиш, техникани сақлаш ва ундан фойдаланиш, чорвачилик секцияларига коммунистлардан Р. Каримов, Х. Назруллаев ва Н. Лучников ўртоқлар етакчилик қилмоқдалар. Ҳисобот даврида халқ назоратчилари 170 га яқин текшириш ва рейд ўтказиб, янгидан-янги резервлар қидириб топилди.

Колхоз комсомол ташкилотига Асқар Анваров секретарь. Ҳозир ташкилот ҳисобидаги 60 комсомол коммунистлар етакчилигида турмуш маданиятини юксалтириш, колхозда маданий-оқартув ишларни жонлантириш сингари ишларда актив қатнашмоқдалар. С. Дариев, М. Собирова, Ф. Яҳёева, Ф. Раззоқова, М. Анорова, Р. Ғуломова, М. Усмонова сингари комсомол ёшлар меҳнатда, жамоат ишларида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланган Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзоматлари беш йилликнинг белгиловчи йилида ҳам янги марраларни эгаллаш учун шу кунларда пухта таёргарлик кўрмоқдалар.

Айниқса, теплицада иш қизғин. Эрта баҳор келиши билан даларга чиқариб экиладиган карам кўчатлари расад қилинмоқда. Помидор, бодринг уруғлари ниш уриб, гуркираб ўсмоқда. Бу ишга ҳам коммунистлар бош-қош.

Н. РИХСИЕВ.

Жаҳон янгиликлари

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ КУРАШИ

ПАРИЖ, 13 февраль. (ТАСС). Чили Коммунистик партияси, социалистик партияси ҳамда Чили ватанпарварларининг бошқа сўл партиялари ва ташкилотлари бу ерда эълон қилган қўшма баёнотда: «Ҳар бир демократ ўзининг қайси идеологияга, динга ёки маданиятга мансублигидан қатъий назар, ҳозирги кунда диктатурага қарши курашмоқда. Фашизмни жиловлаб қўйиш, яккалаб қўйиш ва енгиш учун олиб борилаётган жангда ҳамма ўз ўрнини олиши керак»,— дейилади.

Ҳозир, омма, дейилади баёнотда, сиёсий ва социал ҳуқуқларни қўлга киритиш учун кураш бошлаб юборди. Бу курашни чуқурлаштириш ва кенгайтириш биринчи вазифа бўлиб турибди.

Баёнотга имзо чеккан партиялар ва ташкилотлар халқаро жамоатчиликка мурожаат қилиб, Луис Корвалани, Клодомиро Альмейдани, Ансельмо Сулени ва Досон оролидаги бошқа сиёсий маҳбусларни қамоқдан бўшатиш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш ҳаракатини давом эттиришга даъват қилдилар.

ТАЛАБНОМА ТОПШИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, 13 февраль. (ТАСС). Умумҳиндистон касаба союзлар конгрессининг делегацияси Чили меҳнаткашларн ва халқи билан бирдамлик халқаро кунида Чили хунтасининг Ҳиндистондаги «элчихонасига» келиб унинг вакилларига талабнома топширди. Бу талабномада Ҳиндистон ишчилар синфининг Чилида ҳарбийлар томонидан қилинаётган репрессияларга ва таъқиботларга қарши норозилиги баён қилинган. Ишчиларни таъқиб қилиш дарҳол тўхтатилсин, қамаб қўйилган касаба союз арбоблари қамоқдан бўшатилсин ва касаба союзларининг қонуний ҳуқуқлари тиклансин, дейилади талабномада.

НЕФТЬ САНОАТИНИ НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

КАРАКАС, 13 февраль. (ТАСС). Ҳукмрон социал-христиан партия раҳбарлиги Венесуэла нефть саноатини дарҳол национализация қилишни талаб этди. Бу ерда ўтказилган мажлисда шу партиянинг икки юздан кўпроқ раҳбарлари, нефть саноатини национализация қилмай туриб мамлакатнинг бутун экономикасини нормал ривожлантириш мумкин эмаслигини ва бу муҳим тадбирни амалга оширмоқ учун Венесуэланинг барча имкониятлари борлигини айтдилар.

Мажлисда нефть саноатини национализация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини конгресс муҳокамасига киритиш социал-христиан партиянинг миллий конгрессдаги аъзоларига топширилсин, деган қарор қабул қилинди.

ОШИҒИЧ ЁРДАМ ЗАРУР

НУАКШОТ, 13 февраль. ТАСС мухбири Б. Туманов хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) бош директори А. Бурма Мавритания пойтахтида чет эл матбуоти вакилларининг йиғилишида гапириб, Африкада қурғоқчиликдан зарарланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг аҳволи ҳали ҳам жуда жиддий, деди.


Ғарбий Африкада қурғоқчиликдан шикастланган тўққиз мамлакатнинг аҳволи билан танишиб чиқаётган А. Бурма сўнгра бундай деди: шу мамлакатларнинг кўпчилигида, айниқса Мали, Мавритания, Шимолий Нигерияда даҳшатли аҳвол рўй бераётганлиги кўриниб турибди: одамлар ўз қишлоқларини ташлаб кетмоқдалар, ерлар қақраб ётибди, дарёларнинг суви қуриб қолган. Аҳолига озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан дарҳол ёрдам беришни ташкил этиш транспорт камлиги сабабли катта қийинчиликка дуч келмоқда.

Африкада қурғоқчиликдан шикастланган етти мамлакатда унинг оқибатларини тугатмоқ учун, деди ФАО бош директори, яқин фурсатда қўшимча равишда 450 минг тонна дон, 60 минг тонна бошқа хил серпротеин озиқ-овқат, буларни ташиб келтириш, уруғлик, техникавий ускуналар харид қилиш учун 30 миллион доллар пул керак бўлади. ФАО бош директори яна уқтириб айтдики, қурғоқчилик билан курашмоқ ва Африканинг шу районидаги мамлакатларни озиқ-овқат билан таъминдаш проблемаларини ҳал этишга самарали ёрдам бермоқ учун халқаро миқёсда комплекс чоралар кўриш, халқаро ташкилотларнинг амалий ёрдам бериши зарур.

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ЖАЗОИР, 13 февраль. (ТАСС). Бугун Жазоирда бир қанча араб мамлакатлари бошлиқларининг кенгаши очилади. Кенгашда Миср президенти А. Садат, Сурия президенти Х. Асад, Жазоир Революцион кенгашининг раиси Х. Бумиддин ва Саудия Арабистонининг қироли Файсал иштирок этади. Кенгаш яширин тарзда ўтади.

Жазоир расмий доираларининг фикрича, кенгаш қатнашчилари Сурия ва Исроил қўшинларини ўзаро чекинтириш тўғрисидаги таклифларни ҳамда Фаластин вакилларининг Женевадаги конференцияда иштироки ҳақидаги масалани муҳокама қиладилар.



ҲИНДИСТОН. Панжоб штатидаги Сатлеж дарёсида қурилган Бхакра—Нангал гидроэнергетика комплекси бевосита Совет Иттифоқининг техника ёрдами орқали бунёд этилган. Унинг қуввати 1200 минг киловатт-соат бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган жами электр энергиянинг тўққиз процентини беради. Суратда: Сатлеж дарёсидаги Бхакра тўғони. ТАСС фотохроникаси.

ТАСС ХАБАРИ

СССР гражданлигига мансуб бўлишга зид келадиган ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар билан доим шуғулланиб келганлиги учун А. И. Солженицин СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан СССР гражданлигидан маҳрум қилинди ва 1974 йил 13 февралда Совет Иттифоқи тупроғидан чиқариб юборилди.

Солженицин онласи лозим деб топган тақдирда унинг ҳузурига жўнаб кета олади.

ҚИШЛОҚЛАРГА — ШАҲАР ЧИРОЙИ



БУГУНГИ қишлоқлар қиёфаси ўзгача. Кенг, равон кўчалар. Янги типда қурилган турар-жой бинолари. Клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, магазинлар...

Қишлоқларнинг бу қадар тез суръатлар билан кўркамлашиб бораётганлиги бежиз эмас, албатта. Бу вазифа партия Программасида илгари сурилган асосий проблемалардан биридир. Шунинг учун ҳам маҳаллий Советлар ўзларининг диққат-эътиборларини совет қишлоғини социал-тараққиёт плани асосида комплекс ривожлантириш, колхоз ва совхозлар фаолиятини ана шу муҳим ва шарафли вазифага қаратишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Эндиликда қишлоқ қурилиши бошқача тус олди. Қад кўтараётган ҳар бир уй, ҳар бир маданий, маиший муассаса биносида архитекторнинг қўли бор. Барпо этилаётган магистрал йўллар, аҳоли пунктлари фақат қурувчиларнинг ишигина бўлиб қолмай, балки қишлоқнинг келажагини яққол тасаввур этувчи олимлар, социологлар, маданият ва маориф ходимларининг ишига айланди.

Совет қишлоғининг фақат ташқи кўркигина ўзгариб қолмаётир. У маънавий жиҳатдан тобора бойиб бормоқда. Ўнлаб маданият университетлари, янгича анъаналар курслари, тажриба алмашув тўгараклари фикримизнинг ёркин далилидир.

Қишлоқнинг шаҳарга яқинлашуви проблемасини ҳал этишда Советлар мусобақасининг турли формаларидан фойдаланмоқдалар. Кўрик-конкурслар, қишлоқлар ва посёлкаларо ўзаро текширувлар, қўшни қишлоқлар фестивали шулар жумласидандир.

Яқинда область ижроия комитети ва давлат муассасалари ходимлари касаба союзи область комитети қишлоқ ва посёлка Советларининг ўтган йилги иш якунларини кўриб чиқиб, оммавий-сиёсий, хўжалик ва маданий ишларни яхши йўлга қўйганлиги, социалистик мажбуриятларни бажаришда ғоюшқоқлик кўрсатганлиги учун уч қишлоқ Советини мукофотлади. Хусусан, мусобақада биринчи ўринни эгаллаган Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» қишлоқ Совети область ижроия комитети ҳамда давлат муассасалари ходимлари касаба союзи область комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 500 сўм пул билан мукофотланди. Қишлоқ Совети учун битта «Жигули» машинаси ажратилди.

Мусобақада иккинчи ўринни олган, Бўка районидаги Киров қишлоқ Советн 300 сўм пул ва область ижроия комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Пискент районидаги Оқтепа қишлоқ Совети мусобақада учинчи ўринни эгаллади ва 200 сўм пул ҳамда область ижроия комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Шунингдек, Оҳангарон районидаги Охунбобоев, Бўстонлиқ районидаги Қораманас, Калинин районидаги Киров, Чиноз районидаги Чиноз қишлоқ Советларининг бу соҳада яхши ишлаганликлари қайд этилди.


Қуйида мукофотга сазовор бўлган қишлоқ Советларининг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қиламиз.

✻

⊙ КЎЧАЛАР кўркига кўрк қўшиб турган янги типдаги бундай уйларни ҳозир ҳар бир қишлоқ ва посёлкада кўриш мумкин. Уларни қуришда дала меҳнаткашларининг турмуш шароити тўла ҳисобга олинган.

Х. Аввалов фотолари.

✻



ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

А. АБДУЖАББОРОВ,
Бўка районидаги Киров қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

●

КЕЙИНГИ йиллар ичида қишлоқ Совети чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётир. Бу бежиз эмас, албатта.

Илгарилари шу қишлоқ Совети территориясидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Тимирязев номли колхозларда чорва қишлови учун емхашак жамғариш борасида катта қийинчиликлар мавжуд эди. Бу хўжаликларнинг баъзиларида гўшт тайёрлаш таннархи анча қимматга тушарди.

Қишлоқ Совети хўжаликлардаги чорвачиликка бўлган муносабат билан яқиндан танишди. Чорвадорлар учун зарур меҳнат шароити яратиш кераклиги аниқланди. Жамғарилган озуқадан унумли фойдаланиш ўрнига исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги ҳақида маълумотлар бор эди.

Бу камчиликлар қишлоқ Советининг сессиясида рўйрост очиб ташланди. Колхозларда махсус озуқа жамғариш бригадалари ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Кўп ўтмай ижроия комитет қилган қарор ўз самарасини кўрсатди. Фермаларда чорвадорлар учун махсус хоналар ажратилиб, уларнинг дам олишлари, вақтида иссиқ овқат билан таъминланишлари йўлга қўйилди. Молларни рацион асосида қатъий озуқалантиришни қишлоқ Совети томонидан тайинланган комиссия вақти-вақти билан назорат қилиб борди.

Ўтган йил чорвадорлар ҳаётида катта зафар йили бўлди. Давлатга 46 тонна ўрнига 54 тонна гўшт топширилиб, йиллик план 117 процент бажарилди. Планда кўрсатилган 194 тонна ўрнига 472 тонна сут топширилди. Бу муваффақиятнинг сири фақат озуқа маҳсулотларини кўплаб жамғаришдагина бўлиб қолмай, балки молбоқарлар, сут соғувчилар орасида олиб борилган оммавий ишлар натижаси ҳамдир. Ҳозир қайси фермага кирманг, албатта ўзаро мусобақа йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Қишлоқ Совети ўз иш жараёнида барча соҳаларни ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилиши билан биргаликда шу тармоқлардан қайси бири оқсаб қолаётганлигини сезиб олиши ва шу томонга кўпроқ ёрдам кўрсатиши керак. Ана шунда барча соҳа ва тармоқларнинг изчил ривожланишига эришиладн.

Беш йилликнинг учинчи йили биз учун бошқа соҳаларда ҳам қувончли бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари саховат тайёрлаш планини 210 процент, картошка тайёрлаш планини 300 процент, узум, полиз маҳсулотлари ва мева тайёрлаш планларини 120—130 процентдан ошириб адо этдилар.

Қишлоқда ободончилик ишлари ҳамиша аниқ план асосида олиб борилади. Ўтган йили турар жой қурилиши, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши бўйича капитал маблағлар сарфлаш плани тўла бажарилди. 3000 квадрат метр майдондаги йўлкаларга асфальт ётқизилди. 20 гектар майдонга ниҳоллар ўтқазилди. Қишлоқ хонадонларини газлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қишлоқ Совети ўз территориясида жойлашган хўжаликлар ва ташкилотларнинг фаолиятини маълум мақсадлар сари йўналтира олмоқда. Ўтган йили ана шу ташкилотлардан ажратилган маблағлар ҳисобига медпункт, 2 та кутубхона, бир магазин қурилди. 42 колхозчи оиласи ҳовли тўйлари ўтказишга муваффақ бўлди.

Қишлоқ Совети ўз фаолияти давомида колхозчиларга маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш юзасидан қатор ишлар қилди. Аҳоли зич яшайдиган пунктларда сартарошхоналар, пойафзал ремонти бўйича павильонлар, турли устаханалар очилди. Бу эса колхозчиларнинг вақтини тежаш ва ўз навбатида уларни ишлаб чиқаришга тўла сафарбар этиш имконини берди.

Шу кунларда қишлоқ Совети ўз фаолиятини аниқловчи икки план ва мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун ташкилий ишларни кенг йўлга қўйишга қаратмоқда. Кўклам дала ишлари бошланиши билан социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, унинг ташаббускорларини рағбатлантириб бориш тадбирларини ишлаб чиқилади.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Р. УСМОНОВ,
Оқтепа қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси

●

ЎТГАН йилдан бошлаб «Депутат куни» ўтказишни одат тусига киритдик.

Бу тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. Депутатларнинг барчасига дастлаб ер фондидан фойдаланиш масаласи ўрганилишини маълум қилдик. Чунки айрим бригадаларда экин майдонларидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳоллари кўп эди. Дастлабки йиғилишдаёқ бу масала кўпчилик депутатларни ҳам ташвишга солаётгани маълум бўлди. 1-«Пискент» совхозида пахта тайёрлаш плани ҳар йили бажарилсада, негадир карталар чекналарида машина йўли учун кенг майдон қолаётган, трактор кирмай қолган ерларни кетмон билан чопиб, чигит экишга етарли эътибор берилмаётган эди.

Уша куни депутатлар кунида бу масала муҳокама қилинди. Совхоз маъмурияти уларнинг ҳақли эътирозини тўғри тушунди. Фойдаланилмаётган ерлар экин оборотига қўшилди. Бундан ташқари, депутатлар индивидуал томорқалардан 35 гектар ерни ортиқча аниқлаб, совхоз экин майдонини кенгайтирдилар. Бу майдонларга мажнажўхори экилди ва 175 тонна дон етиштирилди.

Депутат кунида янгича анъаналарни қишлоқ ҳаётига кенг ёйиш, оила бюджетидан фойдаланиш, турмуш маданиятига оид ранг-баранг масалалар кўрилди.

Қишлоқ Совети ўз сессияларига турли тармоқлар мутахассисларини жалб этишни ҳам тажриба қилиб кўрди. Бу ҳар бир соҳада рўй бераётган камчиликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳар бир сессияда депутатларга уларнинг сўрови асосида қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берилиши халқ вакилларининг сайловчилар билан ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда. Ўтган йили депутатларга тушган наказлар асосида анчагина ишлар бажарилди. Етти километр йўл ремонтдан чиқарилди. Қўшимча синф хоналари қурилди. 112 ўринли болалар боғчаси кутубхона, меҳмонхона дала шийпонлари, пахта қуритиш цехи, заправка базалари фойдаланишга топширилди.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз жойларда меҳнаткашлар хат ва шикоятларига муносабатни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Биз ана шу кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда ариза ва шикоятлар билан ишлаш, фуқароларни қабул қилишга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз.

ДЕПУТАТЛАР АКТИВЛИГИДА

И. АҲМЕДОВ,
«Коммунизм» қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси

●

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз маҳаллий Советлар ролини ошириш, фаолиятини кучайтириш юзасидан қатор тадбирлар белгилади. Айниқса, Депутат статуси тўғрисида қабул қилинган Қонун халқнинг энг ишончли вакилларининг фаолият доирасини кенгайтирди, уларнинг обрў-эътиборини янада мустаҳкамлади. Депутатларнинг ҳўжалик, маданий ва социал қурилишдаги «активлиги ортди. Буни бизнинг қишлоқ Советимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қишлоқ Совети 11478 кишини бағрига олган 21 аҳоли пунктига хизмат қилади. Унинг территориясида Волков номли ва «Коммунизм» совхозлари, 2 та каноп заводи, балиқчилик комбинати, 9 та мактаб, бир неча мактабгача бўлган муассаса, касалхона, дорихона, 8 клуб, 31170 китоб фондига эга бўлган 10 кутубхона ва бошқа маданий ҳамда маиший объектлар мавжуд. Қишлоқ Совети ижроия комитети ўзининг доимий комиссиялари ёрдамида ана шу муассаса ва хўжаликларга раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда.

Аниқ план асосида ўз муддатида ўтадиган сессияларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, халқ маорифи тармоқларининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш масалаларини кўриб боради. Шуниси характерлики, ижроия комитет кун тартибида қўйилган масалаларнинг охирги натижаси билан албатта қизиқади, унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни белгилайди. Қишлоқ Совети территориясида жойлашган совхозлар, корхоналар ва бошқа ташкилотлар мунтазам равишда ўз зиммаларидаги план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Қишлоқ Совети территориясида жойлашган савхозлар пахта тайёрлаш планини 15 иш кунида бажардилар. «Коммунизм» совхозида план 144.6 процент адо этилди. Ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғи терим машиналари ёрдамида териб олинди.

Йиғим-терим мавсуми қишлоқда жанговар меҳнат мавсуми, деб эълон қилинди. Депутатларнинг ҳар бири ўзи ишлаётган участкада қилинаётган ишлар учун масъул вакил этиб тайинланди. Ижроком қошида эса махсус штаб тузилди. Бундай қараганда, шу бажарилган ишларнинг ҳаммаси оддий, ҳар йили такрорланадиган бир традициядек туюлади. Аммо биз ишнинг мазмунига алоҳида эътибор берамиз. Ижроия комитет ҳар ҳафтанинг охирги кунида теримнинг ташкил этилиши ҳақида депутатларнинг ахборотини тинглади. Терим машиналаридан, бригадаларга биркитилган турли агрегатлардан иложи борича самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилди. Керак вақтда бошқа бир бригададаги яшчи кучларини иккинчи бир бригадага жалб қилган пайтларимиз ҳам бўлди.

Қишлоқ Совети дала ишларининг барча мавсумида ҳам ана шундай активлик ва тадбиркорлик кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, аҳоли яшайдиган пунктларда кўркам боғлар, ҳиёбонлар бунёд этиш, борасида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу ишларни бажаришда биз жамоатчилик кучидан фойдаланяпмиз.

Аҳоли яшайдиган пунктларнинг фақат марказларини кўркамлаштириб қўйиш қишлоқ маданиятидан дарак беради, деган сўз эмас. Қишлоқда ҳамма йўл ва кўчалар, хонадонлар ҳамиша обод, озода, саранжом-саришта бўлиши керак. Сўнгги йиллар ичида биз шунга эришдик. Биргина ўтган йили 987 хонадон зангори оловдан фойдалана бошлади. 16 аҳоли пункти водопровод суви билан таъминланди. Барча совхозлар аро ва қишлоқлардаги йўллар ремонтдан чиқарилиб, уларга шағал тўкилди. Қишлоқ аҳолиси 2600 квадрат метр турар жойга эга бўлди. Ҳар йилгидек мевали ва манзарали дарахтлар экишга алоҳида эътибор берди. Кўплаб қўшимча синф хоналари, 140 ўринли боғча ва ясли қурилди.

Яхши меҳнат қилган халқ кўнгилли хордиқ чиқаришни ҳам истайди. Қишлоқ Совети буни ҳисобга олган. Клублар қошида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик гўгаракларининг иштирокчилари дала шийпонларида меҳнаткашларга тез-тез концертлар кўрсатиб турадилар. Меҳнаткашлар орасида вақти-вақти билан лекция ва суҳбатлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Бундай лекцияларни ташкил этишда биз кўпроқ аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмоқдамиз. Ўтган йили оилада бола тарбияси, аёллар гигиенаси, уй рўзғор юритиш, мавзуида ва халқаро аҳвол мавзуида бир неча суҳбат ва лекциялар ташкил этилди.

Энг яхши коллективлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, мусобақа ғолибларини бутун халқ иззат-ҳурмат қилиши, улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан.



КЎЧАТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Октябрь район ободонлаштириш бўлими хизматчилари Абай ва Узбекистон ССР 50 йиллиги номли кўчаларининг четларига манзарали дарахтлар ўтказишга киришдилар. Арча, чинор, мажнунтол каби манзарали дарахт кўчатлари илдиз тупроғи билан кўчатзорлардан кўчириб олиб келиниб, йўл бўйларига ўтказилмоқда. Бу вазифани 18 ишчидан иборат махсус бригада бажараяпти. Кранчи Зубенко ва машинист Абдураҳмонов ўртоқлар олиб келинган чинордарни олдиндан кавлаб қўйилган уяларга ўтқазмоқдалар.

Мавсумда кўча бўйларига ва бекатлар атрофига 3 минг туп дарахт ўтқазилади. Ҳозирча ҳар куни эллик тупдан дарахт кўчати экилмоқда. Кунлар бироз исигач, район территориясини кўкаламзорлаштириш ишлари янада қизиб кетади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ,

ОҚҚЎРҒОН районида медицина, маданий-маиший муассасалар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ерда барпо этилаётган даволаш комплекслари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳозирги замон талабига жавоб бера олади. Район марказида қад кўтарган «Ёшлик» кинотеатри ҳамиша қишлоқ меҳнаткашларини ўз қучоғига тортади. Суратда: кино-театр биносининг кўриниши.

●

Оққўрғон янгиликлари

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Район маркази тобора гўзаллашиб боряпти. Қатор осмонўпар бинолар, равон кўчалар, ҳиёбонлар унинг ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Бу ерда бунёд этилаётган уч қаватлик профилактик санатория яқин кунлар ичида поёнига етказилади. 84 ўринли санатория меҳнат аҳлининг дам олиб, саломатлигини тиклашида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

КАСАБА СОЮЗ ЙЎЛИ БИЛАН

Тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида қишлоқ хўжалик аъзоларининг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Азамат пахтакорлардан 600 га яқин киши касаба союз йўлланмаси билан мамлакатимизнинг марказий курорт ва санаторийларида дам олдилар, тарихий ва кўхна шаҳарларга туристик саёҳатлар уюштирдилар.

ХУШХАБАРЛАР ЯНГИЛИКЛАР

ҲАМКОРЛИК

Қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқлари тезкорлик билан жорий этилаётир. Бу борада Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти олимлари ҳиссаси алоҳида сезилаяпти. Шу кунларда институт олимлари деҳқонларга яқиндан ёрдам бериш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга янада тезроқ жорий этишни таъминлаш мақсадида колхоз ва совхозларда лекция ва консультациялар уюштирмоқдалар.

Ўтган йил ичида олимлар хўжаликларда 400 та лекция ва семинарлар олиб боришди. Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилида деҳқонлар ҳузурида бундан ҳам кўпроқ лекция ва суҳбатлар уюштириш, уларга ёрдам бериш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширишяпти.

АВТОСТАНЦИЯНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

«Самарқанд» автостанциясига келиб тўхтаётган автобуслар сони кўпайиб кетди. Шаҳарлараро ва Тошкент атрофидаги турар-жой марказлари билан боғланган маршрутларда ҳозир юзлаб автобуслар қатнамоқда.

Энди барча пассажирларга бу жой торлик қилиб қолди. Шу боисдан ҳам автостанциянинг иккинчи навбатини қуришга киришилди.

Янги автостанцияни «Халқлар дўстлиги» проспектида, яъни 2-пойафзал фабрикасининг ёнида қуриш бошланди. Объект лойиҳасини Олмаотадаги лойиҳалаш институти инженерлари чизиб беришган. Лойиҳа бўйича автостанция биноси уч қаватли бўлиб, пассажирлар учун барча шароитлар яратилган бўлади. Автостанциялардан чиққан автобуслар асосан республика ва ўрта Осиёнинг узоқ шаҳарлари томон йўл олади.

Автостанциянинг ўз меҳмонхонаси бўлади. Шоферлар хонасида ишчи ва хизматчиларнинг дам олиши учун барча шароитлар яратилади. Болалик аёллар учун алоҳида хоналар ажратилади. Қурилиш ишларини ҳозир республика автомобиль транспорти ва йўл қурилиш министрлигига қарашли бинокорлик ташкилотлари олиб бормоқда. Бу йил улар 700 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажаришади. Автостанцияга 2,5 миллион сўм маблағ сарфланади. Бу объект икки йил давомида қуриб битказилади.

ИШЧИЛАР САНЪАТ ШАЙДОСИ

Олмалиқ шаҳар маданият уйи қошида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараги республикамизнинг ярим асрлик юбилейига катта тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг программаларида рус, ўзбек, украин, белорус, тожик, қозоқ ва бошқа миллатларнинг ашула ва рақслари бор.

Яқинда металлургларнинг маданият саройида «Қувноқ» ўзбек ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Ансамблга асосан ёшлар жалб этилган. Уларнинг программасига ёшларимизнинг қувноқ ўйин, ашула, шўх рақслар кирган. Бу ансамбль шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб катта программада концерт тайёрламоқда.



ОПЕРЕТТА ЯНГИ БИНОДА

Утган йили ташкил этилган Тошкент оперетта театри коллективи тезда томошабинлар эътиборини жалб этди. Бу коллектив шу пайтгача Ҳамза театри биноси ва тўқимачилар саройида томошалар кўрсатиб келмоқда эди. Яқинда оперетта театри коллективига Чилонзордан янги бино туҳфа этишди. Суратларда: (юқорида) театр биносининг ташқи кўриниши. (Пастда)спектаклдан бир кўриниш: (чапдан ўнгга) композитор Марсель Эрве ролида Л. Жидков, рассом Раул Делакура ролида Ю. Летов, шоир Анри Мюрже ролида А. Качуровский ва Виолетта ролида Е. Борнова.

А. Авазов фотолари.



ЯНГИ шеърлар

Н. КУЛИКОВ

СУВ

Бу ерда жазирама
Қотиб қолгандай
Ўзин кўз-кўз қилиб
Тўлғонган сароб.
Гўё,
Қамишзорлар пайдо
бўлгандай,
Шивирлаб тургандай
Мамнун ва сероб:
Аммо,
Ховлиқарди карвонлар
бекор.
Манзиллар ошаю

Ва йиллар оша:
Бунда сувнинг фақат,
Фақат номи бор,
Қилмоқ мумкин эди
фақат тамоша.
Энди-чи,
Чиндан ҳам айқириб оқар
Асрларча армон бўлган сув.
Шаффоф сув,
... Тупроқ яйраб
Яшил каналга боқар,
Ўз-ўзини аранг таниб олар у.

Ю. ШОМАНСУР.
таржимаси.

ЙЎЛИҚДИМ

Бир кимсага йўликдим ғалат,
Учрашганда ҳол сўраш эмас
Бировларга отади лаънат:
— Ановчи, Жаббор ярамас,
«Мукофотга олибди Волга!»
Биласанми, унда бир гап бор,
Ҳўжайинни олишти қўлга
Юришинга қилгин эътибор».
Шу алпозда ҳар учрашганда
Бировларга қазир эди чоҳ.

Чидамадим, бир куни уни
Қилмишидан айладим огоҳ.
Шу-шу бўлди қутулдим
ундан
Кўринмайди у «асл»,
«сара».
Хурсанд бўлиб юрсам
ўзимдан
Танглайига чиққанмиш яра.

Санджон МУСТАФОЕВ.

КУНГАБОҚАР

Кунгабоқар ғарқ бўлиб
нурдан,
Турганида қуёшга боқиб,
Телба шамол келди-ю, бирдан
Бошин эгиб кетди тутоқиб.
Мамнун бўлдим

кунгабоқардан,
Сал ўтмаёқ ўша хатардан,
Қаддин ростлаб олдида, яна
Қуёш сари боқди мардона.

Н. ОЧИЛОВ.

МАЙСА

Табиатнинг кўп фазилати,
Олам-олам гўзаллик унда.
Зийнати кўп, кўпдир ҳислати,
Турфа ҳислар туяман кунда.
Мана оддий кичик бир майса,
Қор тагида синаб бардошин,
Мўралабди қуёшга аста,

Она-ерга эгибди бошин...
Оддий майса англабди қайдан,
Она-ерга этмоқни таъзим?!
Шу майсача билмас баъзилар
Она-ердан кўплигин қарзи.

Н. НЎЛДОШЕВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

РОМАНЛАР ИЧИДА ЧЕМПИОН

Япониялик ёзувчи Кунигте-Бакин дунёда ҳажми жиҳатдан энг катта романнинг муаллифидир. Бу романни у 40 йил, яъни 1852 йилдан то 1892 йилгача ёзди. Роман 106 жилддан иборат бўлиб, ҳар бирида минг саҳифа бор. Умуман эса, романда 3.180 минг сатр ёки 32 миллион сўз бор. Бутун асарнинг вазни эса 60 килограммдир.

ҚУТИЛМАГАН ЗАРАР

«Вазада турган гуллар организми заифлашган кишилар учун хавфли бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам операциядан сўнг даволанаётган беморлар яқинига, яъни палаталарга вазада гул қўйиш тавсия қилинмайди».

АҚШдаги Майами университетининг медицина факультетида ўтказилган текширишлар юқоридаги хулосага олиб келди. Факультет ходимлари аниқлашича, гуллар тоза сув солинган вазага қўйилгач, бир соатдан сўнг шу сувда антибиотиклар таъсирига берилмовчи хавфли бактериялар пайдо бўлади.

Газетхон илтимосига кўра

ЭНГ БАЛАНД МИНОРА

Москвага борib келган дўстим ғалати бир гапни гапириб қолди. У Останкино минорасига чиқиб, 334 метр баландликда жойлашган ресторанда чой ичибди. Ресторан айланармиш, ҳўрандалар эса овқатланиб ўтириб бир йўла бутун шаҳарни томоша қилишармиш. Бу улкан миноранинг қурилиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида маълумот олишни истардим.

Т. ОИНАҚУЛОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

Останкино минораси Москва шаҳрининг ҳамма бурчакларидан ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Унинг бўйи ҳозир 540 метрга етган. Кейинги пайтда қўшимча техник қурилмалар монтаж қилиниб, минора 7 метрга «ўсди». Айни пайтда у бироз оғирлашиб, вазни 55 минг тоннадан ошди.

Минора асосининг диаметри 60 метрдир. Миноранинг 385 метргача бўлган қисми темирбетондан, қолган қисми эса трубасимон пўлатдан қурилган. Стволлар ичарисидан 150 та пўлат «арқон» таранг қилиб тортилган. Улар минорани бир марказда маҳкам ушлаб туради. Иншоотнинг пойдевори эса ер юзасидан 3 метр пастга қўйилган. Шу тариқа жаҳонда энг баланд минора яратилган.

Томошабинлар кўкка устун бўлгудек баланд миноранинг элас-элас кўз илғаб турган учига тикилиб турса беихтиёр ўйлаб қоладилар. Қаттиқ бўронларда у тебранмасмикан? Тебранади. Бир йили бўрон кучи секундига 35 метрга етганида миноранинг юқори қисми бир томонга 3,5 метр оғган эди. Ҳисоб бўйича эса миноранинг оғиш чегараси 12,5 метрдир. Лойиҳачилар ва қурувчилар табиат хавфининг бу томонларини алоҳида ҳисобга олишган.

Останкино минораси ҳозир Бутуниттифоқ телевизион кўрсатувлари ва радио эшиттиришларини кузатувчи асосий станция ролини бажаряпти. Минора хизматчиларининг аксарияти телерадиоаппаратуралар бўйича мутахассис кишилардир. Улар орасида антенначилар ҳам, баландликка чиқувчи монтёрлар ва мачтачилар ҳам бор. Улар антенналар, сигнал чироқлари, кўп сонли танқи механизмлар ишидан доимо кўз-қулоқ бўлиб турадилар.

Минора ходимлари телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар сифатининг юксак даражада бўлишини таъминламоқдалар. Мамлакатимизда ҳозир 200 миллион киши телекўрсатувларни томоша қиляпти. Ретрансляторлар системаси, кабеллар, «Орбита» системаси Останкино телевизион минораси сигналларини Иттифоқимизнинг энг олис нуқталарига ҳам етказиб беряпти. «Интервидение» ва «Евровидения» системалари эса бизни Европанинг барча мамлакатлари билан боғламоқда.

Кўк билан ўпишган 540 метрлик миноранинг 334 метрида «Еттинчи осмон» деб номланган машҳур ресторан ишлаб турибди. Келган меҳмонларга Москва ресторанлар трести ходимлари хизмат кўрсатишяпти. Улар «Баландлик» номли ҳушбўй ичимлик ҳам яратишган. «Баландлик» фақат «Еттинчи осмон» ресторанида бўлади.

Ресторанниг устки қисмида 500 ўринли катта майдон бор. Меҳмонлар шу майдонда туриб бутун Москвани томоша қиладилар. Ўтган йилда ярим миллиондан ортиқ киши минора юқорисига кўтарилиб пойтахт жамолига маҳлиё бўлди. Бу йил минорадан 200 метр нарида махсус экскурсиялар корпуси қурилиши бошлаб юборилади. Меҳмонлар оқимининг тинмай кўпайиб бораётганлиги учун ҳам янги қўш қаватли экскурсиялар корпуси қуришга қарор қилинди.

Корпусда лекциялар зали, кинозал, ресторан, сувенирлар билан савдо қилувчи дўконлар жойлашади. Бу тадбирлар Москвани томошо қилишга келаётган меҳмонларга янада яхшироқ хизмат қилишни таъминлашда кўл келади.

Ғаройиб топилмалар





МОСКВА зоология музейи яна бир ноёб экспонат билан бойиди. Бу ерга латимерия балиғи келтирилди. Олимлар уни ер остидан кавлаб олинган тирик мавжудот деб аташмоқда. Қуруқликдаги умуртқалиларнинг яқин аждодлари ҳисобланган бу балиқ тахминан 70 миллион йил муқаддам йўқ бўлиб кетган деб тахмин қилинарди. Лекин 1938 йилда латимерия (целоканд) балиғи тутилди. Москва музейига келтирилган бу ноёб балиқ эса Комор ороллари районида қармоқ орқали тутилган бўлиб, узунлиги 164 сантиметрни, оғирлиги эса 65 килограммни ташкил этади. Олимларнинг фикрича ўтган 300 миллион йил мобайнида целоканд айтарлик ўзгармаган. Суратда: музей ходими томошабинларни янги экспонат билан таништирмоқда.

●

ЕҚУТИСТОНДАГИ Шандрин дарёси яқинида мамонт скелети топилди. Скелет абадий музликда тахминан 20 минг йил ётган бўлишига қарамай яхши сақланган. Шадринда топилган мамонтнинг ҳар икки тиши оралиғи уч метрни ташкил этади. Топилма Новосибирскка келтирилиб, олимлар томонидан синчковлик билан ўрганилмоқда.

Б. Корзин, А. Поляков фотолари. ТАСС фотохроникаси.

Спорт

ВИКТОР КОРЧНОЙ — ЯРИМ ФИНАЛДА

Жаҳон чемпионлигига даъвогар шахматчиларнинг чорак финал мусобақалари бирин-кетин ниҳоясига етмоқда. Спасский ва Карповдан кейин учинчи бўлиб, Виктор Корчной ҳам ўз рақиби Э. Мекингни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди. Корчной ва Мекинг ўн уч партия ўйнашди. 13-партияда совет шахматчиси ютуқлар ҳисобини ўнтага етказгач, ўз-ўзидан мусобақа тўхтатилди.

Т. Петросян билан Л. Портиш ўртасидаги чорак финал мусобақалари эса давом этаяпти. 11-партияда 19 юришдан сўнг Портишнинг таклифи билан ўйин дуранг бўлди. Ҳозирча совет гроссмейстери 2:1 ҳисобида олдинда келмоқда.

«БИНОКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

«А» класси иккинчи гуруҳаси хоккей командаларининг мамлакат чемпионати давом этаяпти. Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари бу гал Свердловск областининг «Кедр» спорти клуби хоккейчилари билан учрашдилар.

Тошкентликлар бор куч ва имкониятларини ишга солиб, учрашувнинг биринчи кунида 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Иккинчи кун учрашуви ҳам кескин, спорт кураши билан ўтди. Бу гал тошкентликлар 14:2 ҳисобида муваффақият қозондилар. 17—18 февралда ҳамшаҳарларимиз турнир жадвалининг учинчи ўринда келаётган Тюменнинг «Рубин» командасини қабул қиладилар.

ЧЕМПИОНЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

СССР III қишки спартакиадасига тайёргарлик давомида Чимёнда чанғи бўйича Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда юзга яқин спортчи иштирок этди. Тошкент области вакили Ш. Сафаров турли спорт программаларини муваффақиятли бажариб, уч марта биринчи ўринни эгаллади. Г. Булгова, Л. Дектярова ва Д. Лесной Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлдилар.

Умумкоманда биринчилигида Тошкентнинг «Динамо» командаси ғолиб чиқди. «Меҳнат» ва «Спартак» командалари 2 ва 3-ўринларни бўлишиб олдилар.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-деҳқон мухбирлари университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Университетга тингловчилар қабул қилиш давом этади.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ. БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — «Мардлик — мангулик». 18.40 — Концерт. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Социализм дунёси (Москва). 20.05 — Партком ва муқобил план. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Изгорлар минбари. 21.15 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Телекурнал. 22.40 — **Танбур навоси** (мусиқали лавҳа). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **Инженер Прончатов** (бадиий фильмнинг 2—3-сериялари). 16.05 — МОСКВА. 18.10 — Янгиликлар. 18.20 — «Орлёнок» телестудияси кўрсатади. 19.05 — «Шеърият». 19.25 — Мультфильм. 19.35 — Ўқув кўрсатуви. 20.05 — МОСКВА. **Насриддин Бухорода** (бадиий фильм). 21.30 — Рақслар зали. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Ўт билан ўйнашманг. 20.20 — **Солдат қалби** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/II да **Масҳарабозлар**, 16/II да **Аида**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Оқшомдан тушгача**, 16/II да **Абу Райҳон Беруний**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/II да **Жумагул**, 16/II да **Ҳижрон**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Ташвишланманг онажон**, 16/II да **Алгов-далғов**.

КИНО

Неретвадаги жанг (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Яшасин муҳаббат! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00, 20.00), БИЛИМ УЧИ (14.30, 17.00, 19.45).

Шаҳарлар ва йиллар — «ВОСТОК» (16.00, 19.00), «МОСКВА» (13.30, 16.00, 18.30).

Ютқазилган ўйин (тоқ соатларда), **Таҳқо ўзинг** (жуфт соатларда): — «ДРУЖБА».

Анупама — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Тилла зирак — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Осмон йироқ, ер қаттиқ — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Оливер (12.00, 18.00), **Гойя** (15.00, 20.45): — «ЧАПКА».

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА СССР биринчилиги учун «А» классининг II группасидаги «БИНОКОР» (Тошкент) — «РУБИН» (Тюмень) командалари ўртасида

ХОККЕЙ

Ўйинлар: 15 февралда 14.00-да; 18 февралда 19.00 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Матчнинг тугаш вақтига спорт зали олдида транспорт кўпайтирилади.

Тошкент область Ижроия Комитетининг Савдо бошқармаси коллективи Анғрен горторгининг директори М. Т. Зоҳидовга отаси

Тоир ЗОҲИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши машиний хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А—2483. Индекс 64634. Р—03234.